

АЛИШЕР НАВОЙИЙ “МУҲОКАМАТУ-Л-ЛУҒАТАЙН” АСАРИНИНГ ЯНГИ НАШРИ

АЛИМУҲАМЕДОВ РИХСИТИЛЛА

Филология фанлари доктори, ТошДШИ

Аннотация. Ушбу тақриз филология фанлари доктори, профессор Қосимжон Содиқов томонидан нашр этилган Алишер Навоийнинг “Муҳокамоту-л-луғатайн” асарининг янги нашрига ёзилган. Мазкур иш яқин йиллар давомида ушбу асар бўйича қилинган энг сара нашрлардан ҳисобланади.

Таянч сўз ва иборалар: лугат, туркий тил, форс тили, сарт тили, туркий тил грамматикаси, қиёсий тилшунослик, лингвوماданият, қўлёзма.

Аннотация. Данная рецензия на новое издание «Мухокамату-л-луғатайн» Алишера Навои, написанная доктором филологических наук, профессором Касимжоном Садыковым. Это издание является наилучшим исследованием данного произведения за последние годы.

Опорные слова и выражения: словарь, тюркский язык, персидский язык, сартовский язык, грамматика тюркского языка, сравнительное языкознание, культурология, рукопись.

Abstract. This review was given to the new issue of “Muhakamatu-l-lughatayn” by Alisher Navoi done by Prof. Kasimjon Sadikov. This issue is one of the best studies of this work in latest years.

Keywords and expressions: vocabulary, Turkic, Persian, the Sart Language, Turkic grammar, comparative linguistics, culturology, manuscript.

Алишер Навоий. Муҳокамоту-л-луғатайн (Қосимжон Содиқов таҳлили, табдили ва таққини остида). Тошкент: Akadempnashr. 2017. – 128 бет (90 + 38 факсимиль)

Ўрта асрлар туркий тили, хусусан, эски ўзбек тили (чиғатой туркийси) бўйича яратилган грамматик асарлар ичида Алишер Навоий қаламига мансуб “Муҳокамоту-л-луғатайн”нинг ўрни бўлакча. У XV юзйилликда туркий тилшунослик бўйича яратилган мумтоз асарлардан ҳисобланади.

Ўша кезлар туркий тилда ижод этиш, унда йирик асарлар яратиш форсийга нисбатан камроқ эди. Шу сабаб кўп ижодкорлар форсийда асар битарди. Мазкур масалани яхши англаган Навоий туркий тилнинг кенг имкониятларини очиб бериш, унинг ички хусусиятларини ёритиш мақсадида “Муҳокамоту-л-луғатайн” асарини ёзди. Эски ўзбек тилининг тарихий та-

раққиёти, унинг лексик, фонетик имкониятларини, хусусан, XV аср туркий тил грамматикасини ёритиб беришда ушбу асар асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Куниimizгача “Муҳокамоту-л-луғатайн” бўйича дунё тилшунослари томонидан кўплаб тадқиқотлар яратилган. Шу жумладан, Ўзбекистонда Порсо Шамсиев томонидан 1940, 1948 ва 1967 йилларда бу асар нашр этилди. Сўнгги бор Алишер Навоийнинг “Мукамал асарлар тўплами”нинг XVI жилдига киритилган. Шундан сўнг ушбу асар махсус тадқиқот этилмади. Назаримизда, “Муҳокамоту-л-луғатайн”ни ҳозирги тилшунослик ютуқларини ҳисобга олган ҳолда қайта нашр этиш долзарб бўлиб қолди.

Ушбу асарнинг янги тадқиқи Тошкент давлат шарқшунослик институти Мумтоз филология кафедраси профессори, филология фанлари доктори, туркий тиллар тарихи бўйича йирик мутахассис Қосимжон Содиков томонидан амалга оширилди. Мазкур асар олим томонидан ўзбек тили тарихини ўқиётган талабалар учун 2011 йилда (Содиков Қ. “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ўқиб ўрганиш. – Тошкент, 2011) чоп этилган эди. Нашр кам сонли бўлганлиги сабаб кўпчиликка етиб бормади. Шундай эса-да, у мутахассислар орасида катта қизиқиш билан кутиб олинди ва юқори баҳоланди. Чоп этилган янги, қайта тўлдирилган нашри аввалгисидан бир қатор афзалликлари билан фарқланади.

Ишнинг кириш қисмида асар, унинг тузилиши, қўлёзмалари, аввалги нашрлари, хуллас, асар тўғрисида тўлиқ маълумотлар келтирилган (кириш қуйидаги бўлимлардан иборат (4–27-б.): “Муҳокамату-л-луғатайн”ни англаш”, “Навоийнинг тилшунослик тарихидаги улуғ кашфиёти”, “Муҳокамату-л-луғатайн”нинг қўлёзмалари ва нашрлари”, “Навоий дунё тилларининг келиб чиқиши тўғрисида”, “Навоий туркий тилнинг товуш ўзгачаликлари тўғрисида”, “Навоий туркий тилнинг сўз бойлиги тўғрисида”, “Навоий туркий тилнинг морфологик ўзгачаликлари тўғрисида”, “Асар қўлёзмаларининг ўзаро чоғиштирмаси”, “Матнни ўқиш ва транскрипцияга ўгириш йўллари”).

“Муҳокамату-л-луғатайн” асарининг мазкур нашрини амалга оширишда асарнинг уч қўлёзма нусхасидан фойдаланилган (Истанбулдаги иккита (Тўпқопи сарой музейи ва Сулаймония кутубхонаси) ҳамда Париж қўлёзма нусхалари). Бу ҳам нашрнинг қийматини оширади.

Асарнинг ушбу нашри асосий уч қисмдан иборат: биринчи қисмида, асарнинг илмий транскрипцияси; иккинчисида, ўзбекча ўғирмаси (изохлар билан) ҳамда учинчисида, асарнинг Истанбул (Тўпқопи сарой музейи) ва Париж қўлёзмаларининг факсимили берилган. Асар сўнггида матнда учраган сўзлар

луғати, фойдаланилган манбалар ҳамда илмий асарлар рўйхати келтирилган.

“Муҳокамату-л-луғатайн”нинг мазкур нашрида асарнинг аввалги нашрларидан фойдаланилгани айтиб ўтилган. Шу билан бир қаторда, баъзи сўзларни изоҳлашда ўша даврда (ўрта асрларда) яратилган луғатлардан ҳам фойдаланилган (Масалан, “Абушқа” луғатидан фойдаланилган). Бу ҳол асарни ўқувчи учун анча тушунарли қилишга кўмаклашган.

Мазкур нашрнинг аввалгиларидан устун жиҳати – унинг илмий транскрипцияда берилганидир. Маълумки, Навоий асарлари тилида асосий лексик қатлам туркий, арабий ва форсийдир. Нашрда улар жаҳон олимлари қўллаётган транскрипцион системада. Яъни, ўзлашган қатламдаги сўзларда: ض – ž, ص – ş, ط – t, ظ – z. Масалан: “*Qaldī (775^b) türkī alfāz bilā maqṣūd adāsī-vu fārsī ‘ibārat bilā kalām ma’nāsī*” (31- бет). Шу билан бирга, Навоий асарларини тушуниш, олим қўллаган туркий тилнинг нозик жиҳатларини англаш ҳар қандай мутахассиснинг қўлидан келавермайди. Қ. Содиков буни ҳам удалади. Бундай нозиклик ўзаги ингичкайўғон бўлган, омоним маънога эга сўзларни аниқлашда яққол кўзга ташланади. Бунга асардан қуйидаги мисолни келтирсак: “*Va kök lafẓin ham nečā ma’nā bilā iste’māl qilurlar. Biri kök – “āšmān”nī derlār, yana kök – “āhañ”dur, yana kök – “tikārdā köklāmāk”dūr, yana kök – “qadağ”nī ham derlār, yana kök – “sabza-vu öläñ”nī dağī derlār*” (37-б.).

Асарнинг илмий транскрипциясида, арабча, форсча сўз ва жумлалар, байтлар, омоним маънога эга туркий сўзлар аслиятда (араб ёзувида) берилганки, уни ўқиган ўқувчи гап нима тўғрисида эканлигини дарров пайқайди. Масалан, “*...Mavlānā ‘Abdu-r-raḥmān Jāmī – قس سره – niñ rūḥparvar laṭāyifi ...*” (44-б.); “*Va maṭṭa’i maṣḥūrdur-kim, [še’r:]*

كوس شه خالی و بانك و غلغلش درد سرست

هر كه قانع شد بخشک و تر شه بحر و برست (45-б.).

Туркий тилдаги омоним сўзлар масаласида Алишер Навоий ўз асарида алоҳида тўхталиб ўтади. Навоий омонимларни қуйидагича таърифлаб, баъзиларининг форсийда му-



қобили йўқлигини таъкидлайди: “*Bu nav’ alfāz ham-ki, üč ma’nā-vu tört ma’nā va artuğraq-kim, irāda qilsa bolğay, köp bar-ki, fārsī alfāzda andaq yoqtur*” (37-б.). Ушбу бўлимда келтирилган омоним сўзлар борасидаги қоидаларни бугунги кун тадқиқотчиси яхши билмоғи, Навоий тилидаги барча маънони фарқлай олиши ва уларнинг матндаги англамини тўғри тушуна олиш керак. Бунинг учун эса мазкур нашрда келтирилган барча маълумотларни бирма-бир ўқиб чиқиши керак.

Мазкур нашр афзалликларига қўшимча равишда, асарнинг нозик жиҳатларидан яна бири – қўшимчаларнинг тўғри транскрипция қилингандир. Қадимда туркий тилда ишлатилган барча қўшимчаларнинг ўзига яраша вазифаси бўлган. Масалан, *у* нинг туркий матнларда ўқилиши икки хил: *-и* ва *ва*. *-и* боғловчиси жуфт сўзларни, уюшиқ бўлақларни бир-бирига боғласа, *ва* боғловчиси гапларни бир-бирига боғлайди. Асарда туркий феълларнинг масдар кўринишига (*-maq, -māk* қўшимчали) уларнинг ингичка-йўғонлигига қараб қўшимчаларнинг қўшилиши ҳам мисоллар билан ёритиб берилган: *Andaq-ki, qiwarmaq-u quruqšamaq va üsärmäk-ü jüyçalamaq va öñdäymäk-ü çikräymäk ...* (32-б.).

“Муҳокамату-л-луғатайн”нинг мазкур нашрида илова қилинган Истанбул ва Париж қўлёзмаларининг факсимили ёш тадқиқотчилар, мутахассисларга асар устида келгусида олиб борилажак тадқиқотлар учун бирламчи манба бўлиб хизмат қилади.

Алишер Навоийнинг “Муҳокамату-л-луғатайн”ни ёзишидан мақсади – форсийни камситиш эмас, балки туркий тилнинг ички имкониятларини кўрсатиб, унда ҳам гўзал асарлар ижод этиш мумкинлигини исботлаш эди. Ушбу фикрни далиллаш учун Навоий

турли асарлардан мисоллар, турли жанрдаги парчалар орқали туркий тилнинг форсийдан кам эмаслиги, аксинча, ўрни билан ундан-да ортиқ эканини исботлаб берди. Тил тарихида туркий тилни Навоийчалик бирор кимса ўзга тил билан солиштирган ҳолда юксакларга кўтармаган.

Алишер Навоий ўзининг “Муҳокамату-л-луғатайн” асари билан тилшунослик тарихида биринчилардан бўлиб тилларни типологик ўрганиш соҳасини, уларни ўзаро чоғиштириб ўрганиш ишини бошлаб берди. Ушбу иш Навоийнинг тилшуносликдаги яна бир кашфиётларидан эди.

Алишер Навоийнинг “Муҳокамату-л-луғатайн” асарини ўрганиш мутахассисларга туркий тилда яратилган манбаларни тўғри ўқиб, талқин қилиш, жумлаларнинг нозик маъноларини тўғри англашимизга катта ёрдам беради. Айни масалада бугунги кун мутахассисларига кўмак бўлсин деб Қ. Содиқов томонидан қайта ишланган “Муҳокамату-л-луғатайн” асарининг янги талқини айни муддаодир. Тил тарихи билан шуғулланаётган мутахассисга мазкур нашр Навоий тилини, қолаверса, ўрта асрлар туркий тилининг ўзига хосликларини яхши англашга ёрдам бўлади. Унинг мутахассислар учун қайта нашр этилгани ўзбек тилшунослигининг катта ютуқларидан биридир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, профессор Қ. Содиқов томонидан амалга оширилган Алишер Навоий “Муҳокамату-л-луғатайн” асарининг янги нашри ўсиб келаётган ёшлар, мутахассислар учун мазкур асарни англаш йўлидаги катта бир кўприк вазифасини бажаради.

